

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА МАТЛУБАХОН ИБРАГИМДЖОНОВНА

**МЕДИК ТАЛАБАЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛДА КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 378.091.3:811.111:004.

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

Ахмедова Матлубахон Ибрагимджоновна

Медик талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини
ахборот технологиялари ёрдамида шакллантириш

.....5

Akhmedova Matlubakhon Ibragimdjonovna

Developing professional communicative competence in a foreign language of
medical students through information technologies

.....23

Ахмедова Матлубахон Ибрагимджоновна

Формирование иноязычной профессионально-коммуникативной
компетенции студентов-медиков с помощью информационных технологий

.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

.....45

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХМЕДОВА МАТЛУБАХОН ИБРАГИМДЖОНОВНА

**МЕДИК ТАЛАБАЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛДА КАСБИЙ КОММУНИКАТИВ
КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА
ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Ped597 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус резюме)) илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.fdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жалолов Жамол Жалолович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Алимов Шаҳобиддин Салиевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация химояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли илмий Кенгашнинг 2021 йил «5» июль соат 13.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (993873) 244-44-49; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида ганишиш мумкин (123 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел: (993873) 244-44-49; факс: (+99873) 244-66-03; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» июнь куни тарқатилди.

(2021 йил «21» июн даги 1 -рақамли реестр баённомаси).



А.А.Қосимов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

А.Мамажонов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида йигирма биринчи асрда инглиз тилининг ҳар бир шахс эгаллаши зарур бўлган халқаро мулоқот тили сифатида ўргатилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу жиҳатдан олий таълим муассасаларида тиббий таълим йўналишлари талабаларига инглиз тилини ўргатиш жараёнида коммуникатив компетенцияни ривожлантиришда рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш методлари, нутқий малакаларнинг ривожланганлик даражаларини ўлчаш мезонларини ишлаб чиқиш ва унинг замонавий таълим талабларига мослигини таъминлаш катта аҳамият касб этади.

Дунёда тиббиёт олий ўқув юртлари таълим жараёнида талабаларнинг чет тилда коммуникатив компетенциясини шакллантиришда мамлакатлараро тиббий алоқалар доирасида чет тилни ўргатиш концепцияларини амалиётга самарали жорий қилиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу борада СЕФРнинг касбга йўналтирилган инглиз тилини (ESP) эгаллашга кўйган лисоний, маданий ва методик талабларига мувофиқ ўқитиш технологияларини лойиҳалаштиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш таълимни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. Талабаларнинг чет тилда мулоқотга киришиш, маълумотларни самарали усуллар ва воситалар орқали тез ва сифатли ўзлаштириш кўникмалари ҳамда қобилиятларини ҳар тарафлама ривожлантириш зарурати муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда республикамызда нофилологик олий таълим муассасаларида чет тилни ўқитишда интеграллашган ёндашув марказий ўрин эгалламоқда. Хусусан, тиббиёт соҳасига оид чет тилдаги замонавий адабиётларни ўзлаштириш, мазкур соҳа вакиллари касбий компетентлигини оширишнинг асосий манбасига айланмоқда. Шунинг учун «Чет тилларни... бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш»¹ устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Бу эса бўлажак мутахассисларни инглиз тилида мулоқотга тайёрлашнинг лингводидактик механизмларини, коммуникатив компетенцияни ривожлантириш методикасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. ПФ-4947-сон. 2017 йил 7 февраль. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-37755-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимиз олий ўқув юртларининг нофилологик йўналишларида чет тилни ўргатиш масалалари бўйича Ф.Ш.Алимов, Л.Т.Ахмедова, В.И.Нормуратова, Т.Қ.Сатторов, Ў.Х.Хошимов ва бошқалар шуғулланганлар².

Чет тил ўқитиш методикасида касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш муаммолари бўйича Р.Берман, В.Бхатиа, И.А.Зимняя, М.Оливьера, Б.Д.Рубен, С.Савигнон, О.А.Сеничкина ва бошқалар шуғулланишган³.

1. Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида) // автореф.дисс ... (PhD). пед. наук. – Ташкент, 2018. – Б. 44. Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов // – Ташкент: Fan, 2013. –200 с. Нормуратова В.И. Формирование рецептивных лексических навыков у студентов-юристов (на материале английского языка) // дисс...канд.пед.наук. – Ташкент, 2008. – С. 62-72.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка) // автореф.дис ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 32 с.

3. Berman R. English academic language skills: Perceived difficulties by undergraduate and graduate students, and their academic achievement // – 2000, Vol. 4, Nos. 1–2. – P. 25-40.; Bhatia V. ESP in the 21st Century: ESP Theory and Application Today. Proceedings of the JACET 50th Commemorative International Convention // - 9 p.; Oliveira M. Assessing the relevance of cultural influences during crises: Studying communication professionals' level of cultural competence // Boston, MA. Online pedagogy and research. – Annual Review of Applied Linguistics 24, 2011. – P. 243–260.; Ruben B.D. Assessing communication competency for intercultural adaptation // – Group & Organization Management, 1(3), 1976. –P. 334-354.; Savignon S.J. Interpreting communicative language teaching // – New Haven, CT: Yale University Press. 2002.; Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата современного образования // Интернет-журнал "Эйдос". 2006. <http://www.eidos.ru/journal/2006/0505.htm>.; Сеничкина О.А. Методы оценивания сформированности иноязычной коммуникативной компетенции студентов-психологов (на материале английского языка) // Дисс. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2015. – 229 с.

Тиббиётда хорижий тилларни ўргатиш бўйича О.Ю.Искандарова, К.И.Кубачева, Ж.Ламартино, Ж.МакФарланд, Е.Павел, Ш.Л.Редден, М.А.Хамзаларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор ҳисобланади⁴.

МДХ мамлакатлари олимлари А.С.Андриенко, Л.С.Артамонова, Э.В.Бибикова, А.Г.Измайлова, Н.Н.Прудникова, В.Ф.Тенишевлар чет тилда касбий коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг методик, А.А.Леонтьев, А.Н.Леонтьев, Е.И.Пассов, С.Л.Рубинштейн, Л.К.Сальнаялар психолингвистик, Н.И.Аршинова, М.Г.Евдокимовлар ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишга оид муаммолари бўйича тадқиқот олиб боришган⁵. Хорижий давлатларда чет тил ўргатишда компьютер технологиялардан фойдаланиш масалалари бўйича Е.Арни-Масиа, С.Бакс, К.Битти, Т.Жонс, М.Леви, Ж.Отто, А.Руида Рамос, Е.С.Сервера каби олимлар шуғулланишган⁶.

4. Искандарова О.Ю. Теория и практика формирования иноязычной профессиональной коммуникативной компетентности специалиста // [Электронный ресурс]: дисс. ... докт. пед. наук. – М.: РГБ, 2003. – 382 с.; Кубачева К.И. Методика формирования языковых компетенции научных работников (аспирантов и соискателей) в области медицины в системе последиplomного образования. (на материале английского языка) // автореф. дисс... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 24 с.; Lamartino J. Teaching Medical English. Methods and Models // <https://www.researchgate.net/publication/271137389>, 2015. – P. 21-28.; McFarland J. Teaching English to the medical profession: Developing communication skills and bringing humanities to medicine // <http://tremedica.org/panacea.html>. – Panacea@, 2009; 10 (30): - P.173-175.; Pavel E. Teaching English for medical purposes // Bulletin of the Transilvania University of Braşov Series VII: Social Sciences • Law • 2014. Vol. 7 (56) No. 2; Redden Sh.L. The Effectiveness of Combining Simulation and Role Playing in Nursing Education // at: <https://scholarworks.waldenu.edu/dissertations>, 2015. – P.120.; Hamza A. English Language Problems that face by Medical Students in EFL context // Electronic Comprehensive Journal For Education And Science Publications: MECSJ Knowledge –MultiIssue (10), July 2018.;

5. Андриенко А.С. Развитие иноязычной профессиональной коммуникативной компетентности студентов технического вуза. (на основе кредитно-модульной технологии обучения) // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Ростов-на-Дону, 2007. – 26 с.; Артамонова Л.С. Подготовка студентов гуманитарных вузов к иноязычной профессиональной коммуникации // Автореф. дис. на соис. уч. степ. канд. пед. наук. – Москва, 2008. – 28 с.; Бибикова Э.В. Формирование основ иноязычной коммуникативной компетентности у будущих экологов // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Майкоп, 2006. – 28 с.; Прудникова Н.Н. Педагогическая технология формирования иноязычной компетенции студентов неязыковых вузов // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Саратов, 2007. – 24 с.; Тенишева В.Ф. Интегративно-контекстная модель формирования профессиональной компетенции // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Москва, 2008. – 42 с.; Измайлова А.Г. Формирование иноязычной профессионально-ориентированной коммуникативной компетентности у студентов неязыковых вузов (на примере специальности «Связи с общественностью») // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2002. – 16 с.; Аршинова Н.И. Формирование иноязычной лингвистической компетенции студентов вуза с применением средств компьютерных технологий // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Петрозаводск, 2007. – 18 с.; Евдокимова М.И. Система обучения иностранным языкам на основе информационно-коммуникационной технологии (технический вуз, английский язык) // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Москва, 2007. – 48 с.; Леонтьев А.А. Эмоционально-волевые процессы в овладении иностранным языком // А.А. Леонтьев // ИЯШ. 1975. – № 6. – С. 93-97; Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность // А.Н. Леонтьев. – М.: Политиздат, 1975. – 304 с.; Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению // Е.И. Пассов. – М.: Просвещение, 1991. – 223 с.; Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии // С.Л. Рубинштейн. – М.: Педагогика, 1989.; Сальная Л.К. Модель обучения профессионально ориентированному иноязычному общению студентов неязыкового вуза (английский язык) // Автореф. дисс... канд. пед. наук. – Пятигорск, 2007. – 16 с.

6. Arny Macia E., Soler-Cervera A., Rueda-Ramos C. Information technology in languages for specific purposes // – New York. Issues and prospects. 2006. - 284 p. // <http://dx.doi.org/10.1017/S0267190504000091>; Bax S. Normalisation revisited: The effective use of technology in language // IJCALLT 1 (2) 2011.– London. 2010. - P. 1-15.; Beatty K. Computer Assisted Language Learning // Routledge. 2010. – 304 p.; Johns T. Whence and whither classroom concordancing // in Bongaerts, Teacher Education for ESP. Clevedon: Multilingual Matters Ltd, - P. 68–79. Teaching 40/4: 1988.; Levy M. Technologies in Use for Second Language Learning // The Modern Language Journal 93/Supplement s1: <http://www.jstor.org/stable/25612273>. 2009. – P. 769–782.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, тиббиёт олий ўқув юртларининг тиббий профилактика иши факультети талабаларининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш усуллари ишлаб чиқиш масаласига эътибор қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Чет тилда коммуникатив компетенцияни шакллантириш методларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот технологиялари асосида гигиенист-эпидемиолог талабаларнинг инглиз тилида касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг лингвотехнологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак гигиенист-эпидемиологларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш моделини инновацион лингвотехнологик ёндашув асосида ишлаб чиқиш;

табақалаштирилган-узлуксиз ва касбга йўналтирилган инглиз тилини ўргатиш лойиҳасини интенсив методлар воситасида такомиллаштириш ва тиббий контекстни тушуниш билан боғлиқ методик технологияларни жорий этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;

гигиенист-эпидемиологларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришга қаратилган санитария-гигиенага оид терминларнинг инглиз, ўзбек ва рус тиллардаги луғатини ишлаб чиқиш;

касбга йўналтирилган инглиз тили ўргатишга мўлжалланган ўқув материаллари ва ахборот коммуникация технологиялари орқали бажариладиган машқлар тизимини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тиббиёт олий таълим муассасаларининг тиббий профилактика иши йўналиши талабаларига чет тил (инглиз тили) ўргатиш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предметини гигиенист-эпидемиолог талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш усуллари ва модели ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кузатиш, суҳбат, тест, анкета сўровнома, тажриба-синовдан ўтказиш, математик-статистик таҳлил ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори даражадаги касбий компетенцияга эришишда лаёқати кучли ва кучсиз гуруҳларга ажратилган тингловчиларнинг статистик қаторларда ифодаланган ўзлаштириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни (15%) аниқлаш орқали талабаларни табақалаштирилган-узлуксиз ва касбга йўналтирилганлик тамойилларида ўқитиш самардорлиги исботланган;

бўлажак гигиенист-эпидемиологларни индивидуал хусусиятларини ривожлантирувчи лингво-психологик компонентларни аутентик материалларга асосланган социолингвистик омиллар билан узлуксизлигини таъминлашга қаратилган методик таъминот касбга йўналтириб ўқитишда иккиламчи лисоний шахсни шакллантиришнинг муқобил усули сифатида таклиф қилинган;

бўлажак мутахассисларнинг чет тили фонетик компетенциясини шакллантиришда санитария-гигиенага оид терминларнинг фонологик амплитудаси график кўрсаткичларини аниқлаш орқали талабаларни тўғри талаффузга ўргатишнинг лингводидактик таъминоти такомиллаштирилган;

гигиенист-эпидемиологларнинг хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи ўқув-когнитив, касбий ва ижтимоий кўникмаларини баҳолаш мониторингига қаратилган лингвотехнологик таъминотнинг самарали механизми назорат учун ишлаб чиқилган тест ва кейс-стадиларда компетент ёндашувнинг мотивацион мезонига устунлик бериш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тиббий профилактика иши таълими йўналиши талабаларини инглиз тилига ўқитиш жараёнида чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш ва гигиенист-эпидемиолог шахсини маданиятлараро мулоқотга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари ишлаб чиқилган;

бўлажак гигиенист-эпидемиологларга чет тил ўргатиш ва уларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришни таъминлайдиган табақалаштирилган-узлуксиз ва касбга йўналтирилган инглиз тилини ўргатиш лойиҳаси ишлаб чиқилган;

чет тилда касбий мулоқотни ривожлантиришни таъминлайдиган «Ўзбекча-лотинча-русча-инглизча тиббий луғат» тузилган, «English for Preventive Medicine Students» ўқув материали яратилган;

касбга оид ролли ўйинлар, коммуникатив вазиятлардан фойдаланиш гигиенист-эпидемиологларда чет тилда расмий мулоқот юритиш услуги, мулоқот одоби ва мутахассис имиджини ривожлантириши ҳамда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, аниқлиги, хорижда яратилган чет тил ўқитиш методикасига оид илмий ва илмий-методик тадқиқотларга асосланганлиги, анкета сўровномалар, тавсия этилган моделнинг тажриба-синовдан ўтказилганлиги, математик-статистик методлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак гигиенист-эпидемиологларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш мазмуни, халқаро миқёсда ахборот ва тажриба алмаша оладиган малакали тиббиёт мутахассиси тайёрлашнинг лингводидактик асослари, талабаларнинг касбий

коммуникатив компетенциясини турли даражаларини самарали шакллантирадиган ёндашувлар, уларнинг касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг лингвотехнологиясига оид илмий хулосалардан педагогика, лексикография йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Педагогика», «Инглиз тили ўқитиш методикаси», «Лингводидактика», «Касбга йўналтирилган инглиз тили» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда; чет тилини ўргатишга мўлжалланган «Ўзбекча-лотинча-русча-инглизча тиббий луғат» тузишда, тиббий луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббиёт олий ўқув юрти талабаларининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш усуллари ва модели ишлаб чиқиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

юқори даражадаги касбий компетенцияга эришишда лаёқати кучли ва кучсиз гуруҳларга ажратилган тингловчиларнинг статистик қаторларда ифодаланган ўзлаштириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовутни (15%) аниқлаш орқали талабаларни табақалаштирилган-узлуксиз ва касбга йўналтирилганлик тамойилларида ўқитиш самардорлигига оид хулосалардан №А-1-100 «Тиббиёт ходимлари учун чет тили, ахборот коммуникацион ва таълим технологиялари бўйича узлуксиз малака ошириш тизимини яратиш ва унинг самардорлигини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳани (2015-2017) бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3984-сон маълумотномаси). Натижада узлуксиз малака ошириш курсларининг чет тил ўргатиш цикли интенсив методлар асосида такомиллаштирилган;

гигиенист-эпидемиологларнинг хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи ўқув-когнитив, касбий ва ижтимоий кўникмаларини баҳолаш мониторингига қаратилган лингвотехнологик таъминотнинг самарали механизми назорат учун ишлаб чиқилган тест ва кейс-стадиларда компетент ёндашувнинг мотивацион мезонига оид хулосалардан №БЁА 1-012 «Олий таълим муассасаларида талабаларни чет тили бўйича экологик маданиятини фаоллаштиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳани (2017-2018) бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3984-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг инглиз тилида мустақил таълим олиш малакалари ривожланган ҳамда чет тилда касбий коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг социолингвистик, прагматик, лингвомаданий хусусиятлари аниқланган, тиббий терминларни талаффуз қилиш малакасининг ошишига эришилган;

медик талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини ахборот технологиялари ёрдамида шакллантириш бўйича олинган хулосалар асосида «Ўзбекча-лотинча-русча-инглизча электрон тиббий луғат» яратилган (Олий

ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 89-03-3984-сон маълумотномаси). Натижада тиббий профилактика иши йўналиши талабаларининг инглиз тилини ўқитиш жараёнида касбий, фонетик, фонологик компетенцияларининг ривожланиш самарадорлиги мазкур луғатдаги аудио воситалар ҳисобига ошган ҳамда махсус инглиз тилини ўргатиш тизими электрон луғат, услубий тавсия ва мультимедиа ўқув манбалари билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та электрон тиббий луғат, 1 электрон маълумотлар базаси, 1 компьютер ўқув дастури ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (2 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг лингводидактик асослари**» деб номланиб, биринчи бўлимда «компетенция», «касбий компетенция» ва «касбий коммуникатив компетенция», «the acquisition/learning distinction hypothesis», «the natural order hypothesis», «the monitor hypothesis», «the input hypothesis», «the affective filter hypothesis» тушунчалари изоҳланган. Чет тилда касбий коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг лингводидактик таҳлили, ТОЎЮларида чет тил ўқитиш ҳолати ҳамда талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришда учрайдиган муаммолар таҳлили ёритилган.

Ватанимиз олимлари томонидан нофилологик олий ўқув юртларида чет тилни ўқитишда талабаларнинг ўрганилаётган чет тилда коммуникатив компетенциясини шакллантириш борасида кўплаб илмий изланишлар олиб борилди. Ҳозиргача ўтказилган тадқиқотлар эътиборга олинди. Нолисоний олий ўқув юртларида чет тил ўқитишнинг энг асосий касбий коммуникатив компетенцияси доирасини аниқлаб олишга тўғри келди. Бундан ташқари,

касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш технологияларини яратишга киришилди, чунки, бўлажак тиббиёт мутахассисларида касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш халқаро миқёсда илмий зарурият сифатида эътироф этилган.

Тиббиёт олий ўқув юртлири талабаларининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришни назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этилиши давомида, бўлажак шифокорларнинг чет тилдаги нутқий малакаларига муайян талаблар қўйилмаганлиги аниқланди. Талабаларнинг касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш бўйича А.Х.Дэвис, О.Ю.Искандарова, Е.Коэра, Ж.Флауэрдью, Р.Фраскайн, Д.Хайлэнд ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар. Бу тадқиқотлар ўз даврида катта аҳамият касб этган, нофилологик йўналишларда чет тил ўргатиш бўйича муайян аҳамият касб этган. Илмий методик манбаларни ўрганиш кўрсатишича, нолисоний йўналишлар талабаларининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш бўйича коммуникатив ёндашув ва унинг самарали методларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Талабалар мотивацион соҳасини аниқлашга оид тадқиқотлар, чет тил ўргатишда ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича бажарилган ишлар ушбу соҳадаги ютуқларга киради.

Номлари ва ишлари келтирилган тадқиқотчилар шифокор талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенцияси даволовчи шифокор – бемор ва унинг яқинлари, шифокор-шифокор, шифокор – ҳамшира, ҳамшира – бемор ўртасидаги мулоқот орқали яъни касалхона ичида содир бўладиган мулоқот (*hospital inside communication*) орқали шаклланишини кўрсатиб берганлар. Шу билан бирга чет тилдаги тиббий мулоқот учун тавсия қилинган методлар (ролли ўйинлар, коммуникатив вазиятлар, диалогларда) шифокор мулоқотини ҳамдард бўла олиш, бемори яқинларини ўз қариндошлари ўрнида кўра олиш, хушмуомалалик каби хусусиятларга йўналтирилган ва руҳшуносликнинг юксак инсонпарварлик ғояларига асосланган. Кўп йиллик тажрибалар тиббий мулоқотнинг яна бир аспекти, яъни касалхона ташқарисида (*hospital outside communication*) ҳам бўлишини ва бу тиббий мулоқот гигиенист-эпидемиолог мутахассисларининг мулоқоти эканилигини кўрсатиб берди. Айнан шу соҳа мутахассисларининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш масалалари тадқиқотга тортилмаган. Бу соҳа мутахассисларининг тиббий мулоқоти даволовчи шифокорлар мулоқотидан мулоқотнинг аҳоли, турли корхона раҳбарлари, вакиллари ва мутахассисларини ҳамда катта оммани қамраб олиши, мамлакатнинг тиббиёт бўйича ва бошқа барча соҳаларнинг халқаро алоқаларида, эпидемия, пандемияларга қарши курашда, касалликнинг олдини олиш чора-тадбирларини хорижлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда олиб боришда, халқаро тажриба алмашишда тиббиёт эксперти сифатида фаол иштирок этиши билан фарқ қилади. Тадқиқот бу соҳа мутахассисларининг тиббий мулоқоти қатъиятли бўла олиш, фавқулотда вазиятларда тез қарор қабул қила олиш, ўз фикрини далиллар билан асослаш, муаммоли вазиятларда мунозарага киришиш ва мулоқотни бошқариш каби

хусусиятларни ўз ичига олишини кўрсатди. Шу асосда гигиенист-эпидемиолог мутахассисининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш модели ишлаб чиқилди.

ТОЎЮнинг битирувчи талабалари билан ўтказилган суҳбатлар уларнинг кўпчилигида коммуникатив мулоқот малакалари етарли даражада шаклланмаганлигини аниқлади. Ўқув методик таъминот материаллари таркибида ТОЎЮ талабалари учун қабул қилинган ўқув дастурлари доирасида мавзулар бўйича мутахассисликка оид оғзаки ва ёзма матн яратиш, оғзаки ва ёзма ўқишга ёки тинглаб тушунишга мўлжалланган матнларни тушуниш ўқув жараёнидан кутиладиган асосий натижалар сирасини ташкил этади. Афсуски, жорий ўқув- методик таъминотда касбга оид ўқув-материалига эътибор деярли қаратилмайди. Масала шундаки, чет тил ўрганишга бўладиган талабаларнинг мотивацияси ўз танлаган соҳаси бўйича ўрганиладиган материал орқали ривожлантирилади, акс ҳолда, ўрта умумтаълим мактабида бўлганидек инглиз тилида ўқувчи теварак атрофидаги предмет ва ходисалар ҳақидаги ўта саёз мулоқот билан чегараланганлигини кузатиш мумкин. Ҳар қандай нолисоний олий ўқув юрти талабаси ўз мутахассислиги бўйича зарур ва фойдали ахборотни ўрганилаётган чет тилда олган тақдирдагина ушбу ўқув предмети олдида кўйилган вазифани бажарган ҳисобланади.

Чет тилда касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш муаммолари мутахассис коммуникатив фаолиятининг ахборот асослари билан ҳам боғлиқ. Коммуникатив фаолиятнинг ахборот асослари ахборотнинг тизимлилик хусусияти, коммуникатив фаолиятга ёндашув, коммуникатив мазмун, мулоқот турлари, чет тилда касбий мулоқотнинг хусусиятлари, коммуникация функциялари каби тушунчалар билан боғлиқ.

Ҳар қандай жамиятда ҳаётий фаолият жараёни ва ривожланиш жараёни каби талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш жараёни ҳам ахборот олиш, қайта ишлаш ва бошқариш билан узвий боғлиқдир. Бу жараённинг жадал ва самарали амалга оширилиши бир қатор омилларга боғлиқ. Улардан энг асосийси мақсадли мулоқот юритиш орқали зарурий ахборотни олиш ва узатишни таъминлашдир. Шундагина ҳаққоний ахборот алмашинуви жараёни содир бўлади. Бунга коммуникатив компетенцияни эгаллаш орқали эришилади. Мазкур жараён тиббиёт соҳасига татбиқ этилганда, ўзига хос манзарага эга бўлади. Бу ўринда гап медик талабанинг инсон соғлигини сақлашга тегишли она тилида ўзлаштирилмаган билимларни чет тилда матнлардан олиш ва ундан касбий фаолиятда фойдаланиши ҳақида бормоқда. Демак, коммуникатив компетенция тор мутахассислик доирасида матнларни ўқиш ва тинглаб тушуниш йўли билан ҳосил қилинади. Мавзуга оид топшириқлар грамматик қоидаларни ўзлаштиришга эмас, балки чет тилда мулоқотдош билан коммуникатив алоқани ўрнатишга, уни тушуна олишга қаратилган бўлади. Идрок этиладиган матнларда асосий лексик бирликлар тиббиёт илмига хос бўлади. Шу боис, талабаларнинг чет тилдаги машғулотларида асосан терминологик лексикани билишлари зарурият ҳисобланади. Ҳозирга қадар бундай илмий

тезис мавжудлигига қарамасдан, чет тил дарсларида метатил масаласига жиддий эътибор берилмаётганини таъкидлаш жоиз. Натижада соҳа мутахассислари ўзларининг касбий тайёргарлигида чет тилдан мақсадли фойдаланмаслиги кузатилади. Шу муносабат билан биринчи вазифа у ёки бу мутахассисликни эгаллаётган талабалар учун таълимий мулоқот мавзуларини аниқ белгилаб беришдир.

Инглиз тилидаги мулоқот учун танланган тематика уч йирик гуруҳдан – умумтиббий ахборотни ўз ичига олган ўқиш учун матнлар, иккинчиси тор мутахассисликни акс эттирадиган график ва аудиоматнлар, ва учинчиси кундалик ҳаётий мавзуларда ва тиббий этика доирасида мулоқот қилишга оид матнлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Гигиенист-эпидемиолог касбига хос бўлган инглиз тилидаги касбий нутқ компетенциясини шакллантиришда Буюк Британия, АҚШ, Канада ва Австралия каби етакчи мамлакатлардаги чет тил ўқитиш мақсадлари (ESP, EOP, EAP) ўрганиб таҳлил қилинди. Натижада Ўзбекистон тиббиёт олийгоҳларида таълим соҳасидаги чет тил ўқув предметининг дидактик мақомини янада аниқроқ баҳолашга эришилди. Мулоқот учун тематикани танлашда, санитария ва гигиенага оид терминлар маълумоти базасини яратишда гигиенист-эпидемиологлар жалб этилди. Шу боис талабаларда чет тил ўрганиш мотивацияси кучайди. Таъкидлаш жоизки, шу кунгача, мавжуд дарсликларда тақдим этилган ўқув материали фақат чет тил мутахассислари томонидан тайёрланиб келинган.

Чет тил ўқитишда компьютердан ўринли фойдаланишни, таълимнинг касбий йўналтирилганлик принципини амалга ошириш йўллари ва зарур шарт-шароитларни яратиш муаммосига алоҳида тўхтаб ўтилди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Бўлажак шифокорларнинг инглиз тилидаги касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш технологияси**» деб номланиб, мазкур бобда шифокор-талабаларнинг инглиз тилидаги касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш хусусида сўз боради. Унда, хусусан, коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг услубий асослари, табақалаштирилган-узлуксиз ҳамда касбга йўналтирилганлик принципи, талабаларда чет тил ўрганишга ва мотивация ҳосил қилишда ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш йўллари тадқиқ этилган.

ТОЎЮда мутахассис шахсини шакллантиришнинг икки жиҳатини ҳисобга олмоқ лозим. Биринчиси, ўқув жараёнини даражаларга ажратиб ва касбга йўналтириш принципи асосида ташкил қилиш, иккинчиси, ўқитиш методлари ва мулоқотни ўқув воситалари ҳолда олиб боришдир. Мутахассислик фанларини ўрганиш жараёнида талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришга имкон берувчи методик усуллар тизими ҳам бўлиши керак.

Олий таълимда замонавий таълим методларини тадқиқ қилишга бағишланган ишларда бу масалага оид бир нечта ёндашувларни учратиш мумкин. Жумладан, Г.А.Китайгородская томонидан ишлаб чиқилган чет тил ўқитишдаги коммуникативлик тизими, ғарб методистлари тавсия этган «attitude», яъни

мулоқотдош фикрига муносабат билдириш, талабаларнинг тил ўрганишга бўлган муносабати, С.Физ томонидан таклиф қилинган «муаммога асосланган таълим» (Task Based Instruction), Г.Лозанов томонидан ишлаб чиқилган суггестопедик ўқитиш тизими, когнитив психоллингвистика назариясига асосланган «Integrated teaching approach» (Чет тилларни интеграллашган ҳолда ўқитиш) ва «Culturally responsive teaching approach» (Тил ва маданиятни бирга ўқитиш) кабилардир.

Олий таълимда ўйинлардан фойдаланишнинг назарий асослари М.Алтун, А.А.Вербицкий, В.Литлвуд, Е.Милроу, Н.Пернлар тадқиқотларида кенг ёритилган. Кўпчилик дидакт олимларнинг фикрича, машғулотларда ўйинлардан фойдаланишнинг асосий мақсади, талабаларни ўқув жараёнида фаоллаштириш, ўрганишга нисбатан барқарор мотивацияни шакллантиришдир. Тадқиқотда мутахассис шахсига хос сифатларни шакллантирувчи ўйин методлари чет тил ўргатиш жараёнида қўлланилди ва бу қоидаларни тиббий касбий мулоқотга татбиқ қилиб, чет тил машғулотлари касбий коммуникатив мулоқотни янада такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкинлиги аниқланди.

Лингводидактикада касбга йўналтирилган ёндашувни қўлланилишига оид тўпланган тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, касбга йўналтирилган методларнинг сифат даражаларини аниқлаш имконини берди ҳамда касбга йўналтирилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш мақсадида уларни танлаб олиш ва таснифлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга ҳам ёрдам берди. Тавсия этилган принципнинг асосий ғояси чет тил ўқитишни табақалаштирилган-узлуксиз тарзда босқичма-босқич ташкил қилишдир. Чет тил ўрганишни табақалаштирилган-узлуксиз ва касбга йўналтирилганлик принципи асосларини талабалар мутахассислик ўқитиш курси ҳисобга олинмаган ҳолда ҳамда чет тилни эгаллаганлик даражаси ва нутқий компетенциясига кўра гуруҳларга ажратилиши, чет тилда касбий коммуникатив компетенцияни шакллантириш технологиялари ва ишлаб чиқилган нутқий касбий вазиятлар ташкил этади.

Ўқув материални танлаш юзасидан олиб борилган ишлар натижаси 3-5 курс талабалари учун инглиз тилида касбий коммуникатив компетенцияни ривожлантириш бўйича «English for Preventive Medicine students» номли ўқув материал (икки бўлимдан иборат «Medical dictionary», «Dictionary of Preventive Medicine» номли электрон луғатлардан иборат) ўқув-методик манба бўлди.

ТОЎЮда мотивация ҳосил қилишнинг энг самарали усули – бу шифокорнинг касбий маҳоратини шакллантиришга ёрдам берувчи ўқитишнинг когнитив аспектига эътибор қаратишдир. Талабаларнинг когнитив фаолиятини ошириш вазифаси касбга йўналтирилганлик принципига кўра ўқув материалларини танлаш орқали амалга оширилди. Шахснинг когнитив фаолиятида ва хулқ-атворида мотивация ундовчи восита ҳисобланади. Эҳтиёж, яъни мотив медик талабанинг касбий коммуникатив компетенциясининг шаклланишидаги асосий ҳаракатлантирувчи кучдир. Чет тил ўрганишга бўлган муносабат, мотив ва мотивацияни тушунишда турли хил ёндашувлар мавжуд. Муносабат – бу чет тил ўрганишда объект ёки вазиятга нисбатан фикр билдиришга ундовчи хусусиятларни қамраб олувчи қатъий ишончдир. Чет тил ўрганишга бўлган муносабат қисман барқарор бўлгани сабабли уни ижобий томонга

ўзгартириш шарт, шу билан бирга уни ўрганиш мумкин, аммо ўқитиб бўлмайди. Турли ишончлар мажмуи муносабатни ифодаласа, мотив уни амалга оширувчи сабабдир. З.Дорни ва Х.Гарднерлар муносабат ва мотивацияни инсон ҳатти-ҳаракатларини авж олдирувчи, йўлбошловчи ҳамда чет тил ўрганишнинг муҳим аспекти эканлигини таъкидлайдилар. ТОЎЮ талабаларининг когнитив фаолиятида ички мотивацияни юқори даражага кўтарувчи ва сушлаштирувчи омиллар аниқланди.

Тадқиқотда З.Дорни, Р.С.Гарднер, В.Е.Ламбертлар тажрибалардан фойдаланиб талабаларнинг мотивацион соҳасини баҳолаш учун мотивларнинг қуйидаги тўртта гуруҳи қўлланилди: 1) ўқув-когнитив мотивлар; 2) касбий мотивлар (чет тилда касбий коммуникатив компетенцияни эгаллаш, юқори малакали мутахассис бўлиш); 3) ижтимоий мотивлар (хамкасблари орасида устуворликка эга бўлиш ва ҳурматга эришиш, бошқа талабалардан орқада қолмаслик, ёмон ўқигани учун муҳокама қилинмаслик ва танқид қилинишдан қочиш); 4) моддий манфаат кўриш мотивлари (чет элда ишлаш, чет тил ёрдамида молиявий аҳволни яхшилаш, стипендиядан маҳрум бўлмаслик).

Мотивация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида олинган тажриба-синов ишларида ўз тасдиғини топган маълумотларга кўра, қуйидаги хулосалар берилди: 1) ўзига боғлиқлик сабаби, шахс ўз натижаларининг сабабчиси ўзи эканлигига ишонч ҳосил қилиши; 2) талабалар билан бир қаторда ўқитувчиларда ҳам позитив муносабат, шахсий мотивлар шаклланиши шарт; 3) талабалар шахсининг табиати, психологик механизмлари ва шахсий дахлдорлик сабабларининг ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар, ҳар қандай ўқитувчига талабаларни яхшироқ тушунишига, уларнинг мотивациясига ижобий таъсир ўтказишга ва ўз касбий фаолиятининг баъзи бир стереотипларини қайта кўриб чиқишга ёрдам беради; 4) таълим ва тарбия соҳасидаги энг долзарб муаммолар, кўплаб талабаларнинг чет тилни ўрганишга бўлган ўқув-когнитив мотивациясининг пастлиги талабаларнинг чет тилни ўрганганлик даражаси давлат таълим стандартлари ва базавий билимлар кўрсаткичларидан пастлиги сабаб бўлади. Бу маълумотлар чет тилларни ўргатишда ўқув фаолияти мотивациясини ривожлантиришга ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатди.

Чет тилда гапиришни ўргатишда табақалаштирилган-узлуксиз ва касбга йўналтирилганлик принципининг афзаллигини таъкидлаган ҳолда, ушбу принципни қўллаш катта натижаларга олиб келиши исботланди.

Илм-фан ва технологияларнинг ривожланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда, таълим тизимида чет тилларни ўргатишда бугунги кунга қадар қўлланилаётган ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, инновацион методларни ишлаб чиқиш ва излаб топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

ТОЎЮлари талабаларининг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга қаратилган янги лингвотехнологияларни яратиш зарурияти юзага чиқди. Тавсия этилган лингвотехнология бўлажак

шифокорларнинг чет тилда касбий коммуникатив фаолиятини моделлаштириш орқали муаммони ҳал этишга ёрдам беради. Талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантириш замонавий мутахассиснинг концептуал моделидан келиб чиқиб, ТОЎЮда чет тил ўқитишнинг энг оптимал шакли ва мақсадидир. Мазкур фаолият жараёнлари босқичма-босқич лингводидактик назария асосида амалга оширилади. Гигиенист-эпидемиолог мутахассиснинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришнинг линвотехнологияси модели мақсади, методлари, мазмуни ва воситалари ишлаб чиқилди ҳамда чет тилда шакллантирилиши мақсад қилинган коммуникатив компетенция, гапириш, ўқиш, ёзув, тинглаб тушуниш малакалари, гигиенист-эпидемиолог мутахассиснинг коммуникация услуби, имиджи, касбий компетенциянинг ахбороти таркибидан иборат бўлди.

ТОЎЮда чет тил ўқитишнинг мақсадига тўлақонли эришиш учун медик талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини шакллантиришга хизмат қиладиган турли ахборот-коммуникация воситалари (дастурий таъминот ва техникавий) талаб қилинади. Интернетда тақдим этилаётган чет тилдаги тайёр ўқув воситаларидан фойдаланиш тиббиёт олий ўқув юртларида ўқитишнинг касбий йўналтирилганлик мақсадлари ва вазифаларига мос келмаслигини кўрсатди. Бу эса тиббий профилактика йўналиши учун мос келувчи дастурий-таъминот воситалари тизимини ишлаб чиқиш заруриятини аниқлади. Чет тил ўқитишнинг дастурий-техник воситалари деганда чет тил ўқитишда фойдаланиладиган компьютер техникаси ва дастурий таъминот тўпламлари тушунилади ва у турли ахборот-коммуникация технологияларининг зарур элементини ташкил этади. Шу нуқтаи назардан тадқиқот давомида махсус «ахборот коммуникацион технологиялар» ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

